

Қаҳҳор МАҲКАМОВ,  
Арофатхон СОЛИЕВА.

# ОЛТИНКЎЛИМ

"Ҳаёт" нашриёти  
Андижон - 2005 й.

63.3(5-у)

## Буюк Ғалабанинг 60 йиллигига багишланади

Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамаармаси  
Олтинкўл туман бўлими.  
Олтинкўл давлат архиви


Фашизм устидан қозонилган ғалабага 60 йил тўлди. Орадан кўп йиллар ўтди. Янги авлодлар ўсиб етишди. Улар учун бу уруш тарихий воқеа бўлиб колди. Бу урушнинг ғалаба билан тугалланишида Олтинкўл тумани меҳнаткашларининг ҳам катта ҳиссалари бор, албатта.

Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси Олтинкўл туман бўлимининг раиси, иқтисод фанлари, номзоди, журналист Қаҳҳор Маҳкамов, Олтинкўл давлат директори Арофатхон Солиев-валарнинг “Олтинкўлим” рисоласида олтинкўлликларнинг фронтда ва фронт орқасида кўрсатган ажойиб қаҳрамонликлари, душман устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссалари тўғрисида ҳикоя қилинади.

15-07-05  
ХГ - С/М - \_\_\_\_\_ ША  
11-04-05

Қ. Маҳкамов, А. Солиева. “ОЛТИНКЎЛИМ” (Мақолалар).

© “Ҳаёт”, А. - 2005.



10

## СҮЗ БОШИ

Фашизм устидан қозонилган Буюк Галабага, мана, роппа-роса 60 йил бўлди. Бу оламшумул тарихий воқелик ўтган 60 йил ичida эркесвар башариятга кун сайин улуввор кўринмоқда.

Жонажон республикамиизда, жумладан туманимизда бирон хонадон йўқки, машъум уруш жабрини кўрмаган бўлсин. Шу босқинчилик уруши туфайли қанчадан-қанча норасида гўдаклар етим. Муштипар оналар беъва, сувуев келинчаклар бефарзанд қолишиди. Орадан 60 йил вақт ўтган бўлса ҳам, бу урушнинг асортами жабр-дийда кўнгилларда ҳамон сезилиб туради.

Кўлга киритилган ғалабага шонли ҳисса кўшиб, инсониятни фашизм балосидан ҳолос қилиш ўйлида жонини қурбон қилган ота-боболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош зигиб таъзим қиласиз. Уларнинг урушда кўрсатган қаҳрамонликлари тилларда достон бўлган. Жангчи юртдошларимизнинг ўлмас жасорати шак-шубҳасиз ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил жаннатмакон республикамиизнинг муносиб фарзандлари, истиқололимизнинг шавкатли ҳимоячилари қилиб тарбиялашда улуа мактаб, ватанларварликнинг ҳақиқий намунаси бўлади.

Жанггоҳларда жон олиб, жон бөрган оталаримиз, фронт орқасида заҳмат чеккан юртдошларимиз, уруш ўиллари қора ҳат олган хонадон бекалари, бедарак кетган фарзандлари ўйлига илҳақ кўз тикиб ўтирган мунис онахонларимиз эл-юрт осоиишталиги нима эканлигини ҳаммадан кўра яхшироқ биладилар. Озодликни, айни кунларда мутлақо янгича мазмун касб этган она-Ватан тушунчасини гоят төран ҳис қиладилар ва ардоқлайдилар.

Осмонимиз мусаффо бўлиши ва ёруа кунларга етиб келишимиз учун кўксини қалқон, азиз жонини фидо қилганлар ёди халқимиз хотирасидан мутлақо ўчмайди. Биз ана шу мақсадда туман марказида "Хотирлаш ва қадрлаш" хиёбонини ташкил этдик. Ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қачон унумилмайди.

**Олтинқўл тумани ҳокими: Ғуломқодир МАМАТҚОДИРОВ**

## КИРИШ

Бу диёрни кўрган кўз қувонади,  
Баҳор унда барвақт уйғонади.  
Узоқ кетсам, соғинчдан дил ёнади.  
Дилга илҳом берувчи боғлар сўлим.  
Тупроғинг кўзга суртай, Олтинкўлим.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага 60 йил тўлди. 9 Май барча тараққийпарвар давлатлар, тинчликсевар халқлар учун кутлуғ санадир. Зоро 1945 йилнинг айни шу кунидан миллионлаб одамларнинг тинч турмушига раҳна соглан фашист босқинчилари батамом таслим бўлдилар. Инсоният тарихидаги энг даҳшатли ва шафқатсиз урушга якун ясалди. Шу боис бу сананинг қадри улуғвор. Бу байрам жаҳондаги барча халқлар учун азиз ва мўътабар.

Фашизмга қарши курашда ўзбекистонлик матонатли кишилар ҳам мардонавор жанг қилдилар. Уларнинг сафида Олтинкўлнинг жасур фарзандлари ҳам бор эди. Фидойилар эршилган ғалабага муносиб улуш қўшдилар. Кўрсатган қаҳрамонликлари тилларга тушди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ билагида кучи, юрагида ўти бўлган ҳар бир киши қўлга қурол олиб босқинчиларга қарши курашга отланди. Туманимизнинг асл фарзандлари қуролдошлари сафида ўнлаб шаҳарлар, минглаб қишлоқларни душмандан халос қилишда фаол қатнашдилар. Жасоратлари туфайли бошқа жангчиларга ўrnак бўлдилар.

Ҳамма аскарларимизга умид-ишонч ва эзгуликка интилиш туйғуси далда бериб турди. Улар Олтинкўлдан то Берлингача бўлган оловли ва шонли йўлни босиб ўтдилар ҳамда 1945 йил 9 Майда барча халқлар орзиқиб кутган ғалабага эришдилар. Фа-

шист босқинчилари ўз юртида төр-мор этилди. Фидой жангчи-ларимиз ўз юртига юзлари ёруғ ҳолда қайтиб келдилар.

Жанггоҳларда қаҳрамонлик күрсатиб, Олтинкўлнинг довругини ёйган, обрў-эътиборини оширган юртдошларимиз жанггоҳда қон кечиб ўлим билан юзма-юз олишган Йўлдошали Эргашев, Абдумажид Давронов, Отажон Тўйчиев, Давлатбой Деҳқонов, Абдулҳамид Тоҷибоев, Турсунхўжа Ҳожиев, Эргашбой Бадалов, Отажон Ҳакимов, Мирзаабдulla Арслонов, Абдулҳамид Нурматов, Абдулҳамид Сотволдиев, Узоқбой Шерматов, Абдулҳамид Содиков, Абдусаттор Шерматов, Турсунбой Ҳўжамов, Ҳакимжон Раҳимов, Солижон Кўчқаров, Собиржон Тешабоев, Салоҳиддин Исақов, Баҳридин Раҳмонов, Ёвбосар Мирзаев, Турсунбой Мирзаев каби юзлаб жангчиларнинг матонати билан туманимизнинг ҳар бир кишиси бениҳоя фахрланади. Уларнинг ҳалқлар озодлиги, тинч турмуш йўлида чеккан заҳматлари беназирдир. Олтинкўлнинг яна бир жасур фарзанди Ҳакимжон Ўринбоев 1945 йил 24 июнда Москва шаҳрида бўлган Ғалаба намойишида қатнашган. Оталаримиз жасорати ёшларимизга ибратdir.

Ғалабани таъминлашда жанггоҳ ортида ҳалол меҳнат қилган кишиларнинг ҳам ҳиссалари катта. Эришилган ютуққа заҳматкаш деҳқонларнинг куч-ғайрати синган. Айниқса, уруш юкини ишга ярайдиган кишилар билан баравар кўтариб, машиққат тортган оналаримиз, опаларимизнинг фидокорлиги таҳсинга лойиқ. Улар туну кун меҳнат қилишиб, бор кувватларини, вақти келса, нону насибаларини Ғалабага бахшида этдилар. Жанггоҳдаги аскарларимизга чинакам мададкор бўлдилар.

Бугун деҳқонларнинг матонатли меҳнатига бош-қош бўлган, уларни руҳлантириб турган фидойи инсонларни ёдга олиш жоиз. Бу мардана ишлар нафақат уруш даврида, балки Ғалабадан кейинги тикланиш йилларида ҳам туманимизга таянч бўлди. Раҳматли Сайфуддин Ашурев, Фозилжон Кўчқаров, Комилжон Солиев, Майрамхон Йўлдашева, Мадаминжон Эгамбердиев ва бошқаларнинг эзгу ишлари ҳамюртларимиз хотирасида сақланиб қолади.

Уруш йилларида ҳамюртларимиз Дилоромхон Юсупова, Эътиборхон Муродова, Эътиборхон Назарова, Ашурхон Азимо-

валар фронтга кетган эркаклар ўрнини эгаллаб, тракторни бошқардилар. Ер ҳайдаш, экинлар орасини юмшатишда моҳирлик кўрсатдилар.

Жанг майдонларида аскарларимизни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш мақсадида туманимиз аҳли, миришкор дехқонлар кўп заҳмат чекдилар. Биргина Сайфуддин Ашурев бошчилигидаги хўжалик аъзолари 1941 йилнинг ўзида жанггоҳга 25 тонна ғалла, 8 тонна қуруқ мева, 35 минг сўмлик пойафзал, 6 тонна гўшт, 2 та автомашина, 65 та от, 1 миллион сўмдан ортиқ пул (танк тайёрлаш учун) юбордилар. Ўша йили ҳозирги Ф. Қўчкоров номли жамоа хўжалигига 257 гектар ердан 25,8 центнердан пахта ҳосили олинди. 45 гектар ерга экилган ғалладан олинган ҳосил 11,4 центнердан бўлди. Хўжалик аъзолари ҳам жанггоҳга 10 бosh қора мол, 120 минг сўмдан зиёд пул, кийим-кечаклар, тонналаб қуруқ мева юборгандар.

1943 йилнинг биринчи ярмида Ленинград фронти жангчилари ва шаҳри ахолисига ун ва буғдой, 5,5 тонна ёрма, 1,2 тонна гуруч, 418 бosh кўй, деярли 9 тонна қуруқ мева, мингдан ортиқ шахсий посёлка жўнатилган. Дехқонларимизнинг кўрсатган саҳоватлари беҳисобдир. Бу Олтинкўл фарзандларидағи фидокорликнинг ёрқин далилидир.

Жанггоҳда ва фронт орқасида матонат кўрсатган ҳамюртларимиз урушдан кейинги йиллари ҳам ҳалол меҳнат қилдилар. Туманини равнақ топтиришга, тинч турмушини тикилашга, ёш авлодни ватанпарвалик руҳида тарбиялашга муносаб ҳисса кўшдилар. Эл-юрт олдида хурмат-эътибор қозондилар. Одамларга руҳий мададкор бўлишиди, Кўнгилларга ёруғ кунларга бўлган ишонч уруфини экдилар.

Мұхтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов шундай деганди: "Мен жойлардаги учрашувларда ва кундалик мuloқotларда ҳаётдаги янги ва яхши ишлар туфайли одамлар юзида ишонч, мамнуният ифодаси акс этиб турганини кўрсам, бир олам куч-ғайрат топаман. Эгнига тўн, бошига дўппли кийган. Қўли қадоқ меҳнаткаш кишилар билан, фариштали отахонлар билан учрашганимда, уларнинг юз-кўзида, чехрасида ўтган кунлардан розилик, ҳаётидан хурсандлик алломатларини кўрсам, бошим кўкка етгудек бўлади. Улар бизнинг ишларимизни

қўллаб-қувватлаб турганини, уларнинг юрагида эртанги кунга ишонч барқарор эканини ҳис этмоқдан ортиқ баҳт борми?!"

Нақадар ҳақ гап. Уруш даҳшатини бошларидан кечирган, сүяклари меҳнатда котган отахон ва онахонларимиз барчамизниң фахримиздир. Улар билан ҳамнафас бўлиб яшашнинг ўзи саодат. Афсуски, фидойиларимизнинг сафи йил сайин камайиб бормоқда. (Ўтганларнинг жойлари жаннатда бўлсин!) Ҳозирда кексалик гаштини сураётганларни ҳар қанча эъзозласак – оз. Кўрсатган матонатлари олдида таъзим қиласиз. Отаналаримизнинг эзгу ишларини аслпо унутмаймиз!

Биз жангда жасур, меҳнатда мард ҳамюртларимизнинг айримлари ҳақида Сиз – қадрли китобхонларни, айниқса, азиз фарзандларимизни таниширишга ҳаракат қиласиз. Улар билан танишириш бизнинг виждоний бурчимиздир.

## Йўлдошбой ЭРГАШЕВ

Йўлдошбой Эргашев "Шуҳрат" орденларининг тўла нишондори, қўштепасаройлик қаҳрамондир. У доимо халқнинг хизматида бўлган. Гарчи унинг ёшлик йиллари оғир даврларга тўғри келган бўлса-да, ҳаётидан нолимайди. Кўнглига умри беҳуда ўтмагани, одамларга нафи теккани, дастлаб иш фаолиятини "Машъал" жамоа ҳўжалигида табелчи-бригадирлиқдан бошланган бўлса ҳам, кейинчалик ҳалқ маорифида ишлаб ўзига хос мактаб яратса олгани ва шогирдлари эл ташвишида яшаётгандиклари таскин бериб туради. Йўлдошбой aka Эргашевнинг таъкидлашича, умрнинг беҳуда ўтгани ёмон. Зоро, уни бошқатдан бошлаш ҳеч кимга насиб қилмаган, қилмайди ҳам.

Уруш йилларида қўлига қурол ушлашга яроқли йигитларнинг бари фронтга жўнади. Улар қаторида суюкли оиласи, жонажон қишлоғини ташлаб, жанггоҳга отланган Йўлдошбой aka Эргашев ҳам бор эди. Урушга кетаётиди-ю, аммо кўнгли бир нарсадан тўқ эди ўшанда. Аввало, бугунми, эртами ғалаба билан қайтишга ишонган бўлса, иккинчиси – пахтазорларда иш тўхтаб қолмаслиги аён. Чунки у фронтга отланаётган пайтда ўзи раҳбарлик қилаётган бригадада ишни давом эттира олади-

ган миришкор дәхқонлар – ҳамқишлоқлари бор эди. Оиласи ва ҳамқишлоқлари у билан йиғлаб туриб хайрлашар эканлар, ишни давом эттиражакларини, бунинг учун бой илм, тажриба ва маҳоратларини сарфлашга сўз бердилар.

- Соғ бориб, омон қайтинг! Ҳар қачонгидан ҳам яхши ишлаб мўл ҳосил етиштирамиз, кўнглингиз тўқ бўлсин! – деди ҳамқишлоқлари.

Йўлдошбой ака Эргашев 1943 йил февраль ойида урушга кетганича то Ғалаба кунгача жангу жадал майдонидан чиқмади. У Қозоғистонда, Саратовда махсус ташкил қилинган қисқа курсларда ўқиб, ҳарбий жанговорлигини ошириди ва жангларда жасорат кўрсатиб, Феодосиядаги эски Қрим, Алушта, Ялта ва бошқа шаҳарларни озод қилишда мардлик намунасини кўрсатди. 1944 йил 10 майда Севастополь шаҳрини озод қилишда қатнашди. Ўша йили снайперлар тайёрлаш курсида ўқиди. У хизмат қилаётган полк Карпат тогига ташлангач, Украина фронтига кўшиб юборилиб, Чехословакияга киради. Бунда Йўлдошбой ака Эргашев алоҳида жасорат кўрсатди. Моҳир снайперчи кўрсатган қаҳрамонлиги учун 1- ва 2-даражали "Шуҳрат" орденлари билан тақдирланди.

- Уруш йилларидаги воқеаларни жуда яхши хотирлайман, – дейди Йўлдошбой ака Эргашев. – Душманинг бутун ҳарбий техникаси, анжомлари, тиш-тирногигача қуролланган аскарлари Карпат тоги баландлигига жойлашиб олган эди. Уни озод қилиш жуда оғир бўлган. Душман дзотдан атрофга ўқни ёмғирдай ёғдириб турган. Шу пайтда масофани 3,5 марта яқин қилиб кўрсатадиган махсус мосламали милтиқ билан душманга қақшатқич зарба берганман ва улоқтириб ташланган душманни Карпат тогидан чекинишига мажбур қилганимиз.

Собиқ жангчи нафасини ростлаб, яна гапида давом этади:

- Кафан баландлигини озод қилиш осон бўлмаган. Уни озод қилишда пулемётчи здим. Душманинг додини берганмиз. Биз неча шаҳарлардан ўтиб, Чехословакияни озод қилдик ва ўша жода 3-даражали "Шуҳрат" ордени билан тақдирландим. Бир қанча медаллар ҳам олганман. Мен учун энг қувончлиси шу бўлдики, "Шуҳрат" орденларининг тўла нишондори бўлиб, Қаҳрамон деган номга эришдим. Уруш давомида душманинг

80 дан ортиқ солдат ва офицерини, кузатув пунктларини ишдан чиқардим, якson қилдим...

Дарҳақиқат, Йўлдошбой ака Эргашев жанг майдонида кўрсатган мардлиги ва жасорати мақтاشга арзигуликдир. Шу сабабли Янги йил ва байрамлар арафасида узоқ-яқиндан сонсаноқсиз табриклар келиб туради унга. Севастополданми, Чехословакия ва бошқа ерлардан дейсизми, кўплаб қутловлар келади.

Уруш машаққатларини Йўлдошбой ака Эргашев ҳар томонлама тортиб кўрди. Қишинг совуқ кунлари оч-наҳор қолишлар, уйқусизлик азоби, дўстлардан айрилиш...

Ўшанда бир куни эса у ҳарбий госпиталда кўзини очди. Кейин билдики, душман уни ҳам, ўқни ҳам аямабди. Бу унинг З марта ярадор бўлиши эди. Узоқ даволангандан кейин соғайиб Фалабани Чехославакияда кутиб олди. 1945 йилнинг ноябрь ойида она юртига қайтиб келди.

Собиқ жангчи фронтдан келиб Олтинкўл туманидаги 23-ўрта (хозирги 31-ўрта) мактабда ўқитувчилик қила бошлади. У мактабда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик меҳнатлари учун "Ўзбекистон ҳалқ маорифи аълочиси" деган унвон билан мукофотланди. Орден ва медаллар билан тақдирланди. 43 йил ўқитувчилик қилганлиги, кўплаб шогирдлар тайёрлаб, ҳалол ишлаганлиги туфайлигина бу шарафга эга бўлди у.

Зеро:

**Эзгулик йўлида босса гар қадам,  
Қадр чўққисига юксалар одам.**

## **Абдумажид ДАВРОНОВ**

Абдумажид ака Давроновни кўпчилик яхши танийди. Унинг бошидан ўтган воқеалар достон бўлгулик. Ўта камсукум, камтар инсон кўрсатган жасоратини унвонини айтиб мақтанмайди. Унинг тўғрисида маҳаллий ва марказий газеталарда кўплаб мақолалар берилган. Номини бир қанча китобларда учратиш мумкин.

Мана, қўлимизда Андикон вилояти собиқ "Коммунист" газетасининг 1945 йил 5 январда чиқкан сони. Сарғайиб кетган саҳифадан уруш нафаси уфуриб тургандай эди. Унда "Довюрак партизан, жанговар аскар" деб номланган мақола босилган. Муаллиф – Белоруссия партизан ҳаракати штабининг ҳодими Пашкевич исмли киши. Бу мақолада Олтинкўлнинг Оқ тела қишлоғидан урушга жўнаган фарбий Белоруссия тупроғида душман билан олишаётган партизанлар орасида ўсят катта обрў-эътиборга сазовор бўлган Абдумажид Давронов ҳақида гап боради. "Андрей" деган яширин ном остида ҳаракат қилган бу кўрқмас йигитнинг ҳисобига портлатилган 7 паровоз, 21 вагон 6 та платформа, 6 та танк, 766 та темир йўл изи ёзиб қўйилган. Шунингдек, у 144 гитлерчани ер тишлатган, 78 тасини ярадор қилган. Зебелино қишлоғида ўтказилган операцияга бошчилик қилиб жуда катта муваффақиятни қўлга киритган. Мақола муаллифи партизаннинг кўксини бир неча жанговар орденлари, 1-даражали "Ватан уруши партизани" ва бошқа ўнлаб медаллар безаб турганлиги, у Минск темир йўли узели ишчилари ўртасида ҳам иш олиб бориб, бригадирлар курси ташкил этганлигини, ўзи унга раҳбарлик қилишини чексиз фаҳр билан ёзади. Мана шундай довюрак инсонни етиштириб берган диёр шаънига чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор қиласди.

Абдумажид Давронов билан сұхбатлашиб ўтириб, ана шу кунлар хотирасини ҳали ҳам юраги тубида асрәётганини сездик. Бу шон-шуҳратларга осонликча эришилмаганлигини ҳис қилдик. Жанговар полк қуршовига тушиб қолганидан сўнг, оғир ярадор бўлган йигитни Смоленск вилоятидаги Печерская Буда қишлоғида яшовчи онахон Ефросинья Васильевни ўз уйларига яширадилар. Абдумажид Давронов уч ой шу хонадонда яширинча даволанди. "Сибиряк" партизан отряди штабининг бошлиғи Владимир Григорьевич Сумаков унинг ҳолидан хабар топгач, партизанлар сафига олиб кетади. Ботир йигит 1942 йилнинг ноябрь ойидан 1944 йилнинг июлига қадар шу отряднинг "Вперёд" бригадасида партизан, сўнгра бригада комиссарнинг адъютанти бўлиб хизмат қиласди. Ўша жанговар йилларни, оловли воқеаларниайтиб охирига етказиш қийин. Жангларда Абдумажид ака Давронов чинакам мардлик намунасини қўрсатди. Урушдан сўнг белоруссиялик ҳалоскорларини

қидириб топди. Унинг хонадонида бригада комиссари, полковник, Уруш Қаҳрамони Борис Адамович Булат рафиқаси билан меҳмон бўлди.

Абдумажид ака Давронов уруш йилларини эслаб шундай дейди:

- Урушдан келсан, қишлоқда ниҳоятда қийинчилик экан. Аталага ун, устибош учун бир кийимлик бўз топиш амримаҳол экан.

Абдумажид аканинг кўрсатган мардлиги ва жасорати кишини қойил қолдирди. Жангларда, олов ичидаги ўлим билан олишган, тинч-тотув ҳаётимизни яратишга ўз улушини қўшган Абдумажид ака Давронов билан ҳар қанча фахрлансак арзиди.

## Ҳакимбой ЎРИНБОЕВ

Уруш бошланганида ҳамқишлоғимиз Ҳакимбой Ўринбоев айни куч-кувватга тўлаётган ёшгина йигит эди. У дўстлари билан кўнгилли бўлиб мамлакат мудофаасига отланди. Дастреб Шарқий Қозоғистоннинг Петропавловск шаҳрида маҳсус тайёргарлиқдан ўтди. Сўнгра Можайск шаҳрининг озод қилиниши чоғида биринчи марта жангга кирди. 1943 йилнинг ёзида Смоленск шаҳри фашистлардан тозаланди. Шунда 20-ўқчи полкка танкчилар мактабидан вакиллар келиб, жангчилардан ўқишга танлаб олдилар. Уларнинг орасида жасур йигит Ҳакимбой Ўринбоев ҳам бор эди. У Свердловск шаҳрида танкчилар мактабини тамомлаб, Белоруссиянинг Орша шаҳри учун жангда қатнашди. Ўз танки билан Вилейко, Лида, Молодечно, Гродно шаҳарларини душмандан озод қилишда иштирок этади.

Польшанинг Белосток шаҳрини душмандан тозалашда у хизмат қилаётган полкка алоҳида жасорат кўрсатгани учун "Белосток" номи берилган ва Кутузов ордени топширилган. Бу жанговар нишонлар тасвири "Белосток" полкининг барча танкларига чизиб қўйилди. Жумладан, танкига ҳам. Бундан ташқари, мазкур танқда 18 та юлдуз пайдо бўлди. Бу - экипаж аъзоларининг 18 марта кўрсатган қаҳрамонликлари белгиси эди. 1944 йили қуролдош дўстлари қатори Ҳакимбой Ўринбоев ҳам "Қизил Юлдуз" ордени билан мукофотланди. Нишонни ар-

мия қўмондони, уруш Қаҳрамони, генерал-полковник Горбатов ўз кўли билан топширади.

1901-тандекан ўзиорар тўплар полкида Андижон шаҳридан борган Алихон Қодиров ҳам жанг қиларди. У тажрибали, билимдон командирлардан бири эди. Полк дам олишга чиққанда, у шахсий состав ўртасида сиёсий ишлар олиб борар эди.

1945 йил 9 апрелда Кенесберг шаҳри штурм билан олинди. Бунда Ҳакимбой Ўринбоев тушган танк экипажи аъзоларининг барчаси "Жасурлиги учун" медалига сазовор бўлдилар. Кейин қисм 1-Белоруссия фронтига кўшилди. У вактда фронт қўшинлари Берлинни забт этиш учун жанг қилардилар. Берлин ёнида фашистларнинг бир неча дивизиялари ўраб олинганди. Куршовдагиларни тор-мор қилиш топширилади. Экипажда Алихон Қодиров ҳам бор эди.

Берлин жангларида Ҳакимбой Ўринбоевнинг сафдошлари Бранденбург дарвозаси томон бордилар. Рейхстаг унча узоқ эмас эди. Улар 30 апрель куни рейхстагга байроқ тикишда қатнашдилар. 2-май куни эса Берлин шаҳри штурм билан батамом эгалланди. Экипаж аъзолари юксак орден билан мукофотланилар. Алихон Қодиров эса 2-даражали "Ватан уруши" ордени билан тақдирланди.

Ҳар бир қарич ер оғир жанглар билан олинар эди. Элба дарёсига 20 километр қолганда қалин қарағайзор ўрмонда ЭСЭС-чилар полкига дуч келдилар. Душман ҳужумини қайтариш учун танк тўпидан отишга имкон йўқ эди. Чунки ўрмон жуда қалин. Фашистларнинг "Фауст" патронидан танклар шикасталанди. Ҳакимбой Ўринбоев эса ярадор бўлди. Минг мاشаққатлар билан 8 май куни Эльба дарёсига чиқиб олинди. Фалабани Магденбург шаҳрида нишонладилар.

Ҳакимбой Ўринбоевни май ойининг охирида 42-танкчилар корпуси штабига чақириб қолишади. Корпус қўмондони, генерал-майор Опарин унга Москвага, Фалаба намойишига боришини маълум қиласди. Бу унинг учун катта ишонч ва қувончли хабар эди.

1945 йил 24 июнь куни бир умр унинг хотирасига муҳрланиб қолди. Москвада танкчиларнинг терма батальони сафида Фалаба намойишида иштирок этди. Урушда тор-мор қилинган гитлерчи дивизияларнинг қўлга олинган байроқларини мавзо-

лей пойига ташлаш пайтидаги тантанали онларда хурсандчилиги чексиз эди.

Ҳакимбай Ўринбоев мардлик күрсатган жангчи. Немис босқинчиларини Белоруссиядан Берлингача қувиб бориб, Галабани таъминпашга катта ҳисса қўшган азаматлардан эди.

## Турсунхўжа ҲОЖИЕВ

Турсунхўжа Ҳожиев 1942 йилнинг 18 ноябрида кўплар қатори ўша вақтдаги энг оғир фронт – Сталинград мудофаасига юборилди. Биринчи марта 3-гвардиячи дивизиянинг 5-гвардиячи полки сафида жангга кирди. Кейинчалик асир олинган фельдмаршал Паулюс армиясига қарши машҳур курашда мардонавор иштирок этган.

Сталинград куршови ёриб ўтилгач, душманни қувиб бориб Ростов вилоятини озод қилган жангчилар сафида Турсунхўжа ҳам алоҳида ўрнак кўрсатди. Дон дарёси кечиб ўтилди. Ново-Черкасск шаҳри ёвдан тозаланди. Ана шу жангда жасур ҳамюртимиз ўнг кўлидан оғир яраланди.

Софайтандан кейин 1943 йилнинг 6 июлида жангга кирган матонатли аскар Ворошиловград ва Донбасс шаҳарлари учун бўлган олишувда мардлик кўрсатди. 20 кун ичидаги кўплаб қишлоқ ва туманлар озод этилди. Донбасс яқинидаги олишувда яна дайди ўқ Турсунхўжага жароҳат етказди. Ўнг оёғи ва бошидан яраланган аскар вақтинча сафдан чиқди.

Иродаси мустаҳкам йигит 1943 йил яна жангга кирди. Бирқанча шаҳарларни озод қилишда иштирок этди-ю, бироқ энди чап сонидан яраланди. Госпиталда даволаниб, қайта тай-еъргарликдан ўтди ва 1944 йили Кривой Рог ҳамда Кировоград шаҳарлари учун бўлган жангларда мардонавор курашди. Лекин бу жангда чап кўлидан жароҳат олиб узоқ даволанди ва иккинчи гуруҳ ногирони сифатида юртимизга қайтиб келди. Жасур аскарнинг кўксини учинчи даражали "Шуҳрат" ордени, биринчи даражали "Ватан уруши" ордени ва бир қанча медаллар безади.

Тушкунликка тушмаган Турсунхўжа Ҳожиев ҳалол мөхнат қилиб эътибор топди. Турли лавозимларда сидқидилдан ишла-

ди. Заҳматқаш инсон сифатида кўпчиликка ибрат кўрсатди, жонажон қишлоғи Жалабекнинг кўркини оширишга, ободонлаштиришга, ҳамқишлоқларининг турмуш шароитини яхшилашга муносиб ҳисса қўшди.

Толмас курашчи, урушда кўп азият чеккан инсон Турсунхўжа Ҳожиев ҳануз эл-юрт хизматида.

С. Ашуроғомли жамоа ҳўжалигини бош иқтисодчиси, уруш ва меҳнат фахрийси Турсунхўжа Ҳожиев Ғалабанинг 60 йиллигини шукроналик билан кутиб олмоқда.

## Маматқодир ҚАМБАРОВ

Олтинкўл туманидаги Маслаҳат қишлоғида 1924 йилда туғилиб ўсан, олижаноб тадбиркор инсон бор. Унинг исми Маматқодир, фамилияси Қамбаровдир. Бу инсонни нафақат туманда, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши танийди ва хурмат билан тилга олади. Бу камсуқум, камтарин, тиниб-тинчимас инсон юртим деб, элим деб, ёниб яшаётган кишилардан биридир.

Қалби қайноқ, илмга чанқоқ Маматқодир Қамбаров эл-юрт хурматига осонликча эришгани йўқ. Дастлаб қишлоқдаги мактабнинг 7-синфини тамомлагандан кейин турли вазифаларда фаолият кўрсатди. Меҳнат қозонида қайнаб, одамлар қалбига йўл топгач, кейинчалик пахтачилик бригадасига бошчилик қила бошлиди ва ишдан ажралмаган ҳолда Андижон қишлоқ ҳўжалик техникумига 1951 йилда ўқишга кириб, уни 1953 йилда аъло баҳолар билан тутатди. У бригадирлик вазифасида ишлаб, ҳар иили белгиланган шартнома режасини ошириб бажарди.

Биргина 1954 йил кўрсаткичларини олиб кўрадиган бўлсак, ўша йили у бошлиқ бригада аъзолари 92 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнер ўрнига 34 центнердан пахта ҳосили олдилар. Шуниси диққатга сазоворки, Маматқодир Қамбаров 23 йил бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, шу давр ичидаги бригадада пахта ҳосилдорлиги ўртача ҳар гектаридан 24 центнердан 41 центнерга кўпайган. Бу Маслаҳат қишлоғи шароитида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Меҳнат кишини улуғлайди. Суяги меҳнатда қотган қишлоқ ҳўжалик ва, айниқса, пахтачилик илмининг моҳир билимдони ва

бу соҳада катта тажрибага эга бўлган Маматқодир Қамбаровнинг қилган яратувчилик меҳнатлари муносиб тақдирланган. У 1957-1976 йиллари нуфузли орденлар билан, 1963-1965 йилларда эса Москвада ташкил қилинган Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмаси (ВДНХ)нинг олтин ва кумуш медаллари билан мукофотланган.

Миришкор деҳқон, уста пахтакор М. Қамбаров бир неча бор вилоят ва туман кенгашларига депутат қилиб сайланган.

Ҳозирги кунда Маматқодир Қамбаров вилоят аҳамиятига эга бўлган шахсий пенсионер. Уста пахтакорнинг урушга қатнашиш истаги бўлса-да, уни урушга жўнатишмади. Чунки ўша йиллари қишлоқларга ҳам ишнинг кўзини биладиган тадбиркор кишилар, оз бўлса-да, жуда зарур эди. Маматқодир Қамбаров уруш ва уруш орқасидаги қийинчилкларни эслаб, шундай дейди:

- Қуриб кетгур уруш вақтида қишлоқда ниҳоятда қийинчилик, очарчилик эди. Қозонда атала қайнайди, даладаги ишлаётган одамга бир норма бажарса, бир чўмич, икки норма бажарса, икки чўмич овқат берилади. Бошоқ териб тирикчилик қилинган кунларни эсдан чиқариб бўладими? Доналаб терган буғдойни туйиб, атала қилиб ичилганини ёддан чиқариб бўладими? Йўқ. Бола-чақаларимизга бу ҳақда гапирганим-гапирган. Уларга эса бу гаплар эртакдек туюлади. Ҳозирги кунда гуручни курмақдан тозалаймиз. У вақтларда курмак ҳам борда-бор. Йўқда-йўқ эди. Нон топмаган, курмакка зор эди. Ахир курмакни ҳам туйиб нон қилинарди, қотирма қилинарди. Аллоҳга минг шукрки, ҳозир тўкинчилик, тинчлик. Юртимиз озод ва обод.

Мўйсафид ҳақ гапни гапирди. Кўз тегмасин. Қишлоқнинг кўпни кўрган, доно, олижаноб отахонларидан бўлмиш бу инсон чеккан заҳматлари, ҳалол . меҳнатлари роҳатини кўриб, ўқимишли, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилаётган аҳилиттифоқ, зукко фарзандлари, невара-чевараплари, меҳрибон ҳамқишлоқлари даврасида мустақиллик гаштини суриб, баҳтиёр ҳаёт кечирмоқда.

## ФОЗИЛЖОН ҚҮЧҚАРОВ

Фозилжон аканинг жасоратли ишларини асло унутиб бўлмайди. Зеро, унинг элга манзур бўлган фазилатлари кўп. Шу сабабли ҳам бутун қишлоқ аҳли жамоа хўжалиигига унинг номини берилишини истаган. Собиқ «Октябрь» жамоа хўжалигини унинг номи билан аташ қишлоқ меҳнаткашларининг кўнгилларига тугиб қўйган орзузи эди. Мустақиллик шарофати билан бу истак рўёбга чиқди.

Сиз маслаҳатликларнинг мўътабар отахони бўлган раҳматли Фозилжон aka Қўчқаровни кўргансиз, кўрмаган бўлсангиз, довруғини эшигтгансиз, ҳойнаҳой. У Ўзбекистоннинг машҳур пахта усталаридан бири. Республикада хизмат кўрсатган агроном, кўша-кўша орден ва медаллар соҳиби эди. Чап қўлида урушдан асорат бўлган. У немис босқинчиларини Сталинграддан Берлингача қувиб бориб, Галабани таъминлашда ҳисса қўшган баҳодирлардан. Кўп йиллар давомида жамоа хўжалиигига раислик қилди. Қишлоқ обод бўлишида, аҳолининг моддий-маишӣ ҳаётини яхшилашда, хўжаликни юксалтиришда бу кишининг ҳиссалари катта бўлган.

- Раҳматли Фозилжон Қўчқаров жамоа хўжалиигига раис бўлмасдан илгари қишлоғимиз жуда ҳам тарқоқ, хароб эди, - дея эслашади маслаҳатлик кексалар. «Ҳасан-Хусан», «Қўнақтўпи», «Жўжа маҳалла», «Полаҳон», «Тожик қишлоқ», «Латта қишлоқ», «Қорақалпок», «Курама» сингари бир неча қишлоқ бор эди. Жамоа хўжаликлари янги ташкил этила бошланганда «Мақсад», «Лочин», «Эркин», «Ижтимоият», «Маданий меҳнат» сингари кичик хўжаликлар тузилган эди. Кейинчалик булар йирик хўжаликка жам бўлди. Бироқ ўртада гоҳ у, гоҳ бу сабабларга кўра тез-тез ҳар хил жанжаллар чиқиб турарди, майда гап, амаллараст кишилар кўп эди. Айниқса, ўша даврда жамоа хўжалиигига раис сайлаш жуда ҳам мушкул савдо бўлган. Ҳар бир қишлоқ «ўз кишисини» раис қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласарди. Жанжал ҳам кўпинча шундан келиб чиқарди. Раис бўлиб сайланган киши бир йил, жуда кўп дегандা, икки йил ишларди холос. Раҳматли Фозилжон aka Қўчқаров

хўжаликка бош бўлдию, ана шу можаро-жанжалларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан барҳам топди.

У каттага ука бўлди, кичикка ака. Фозилжон ака юриш туришда ҳам, одамлар билан муомалада ҳам барчага ибрат эди. Шошилмасдан кишининг қалбини кўриб тургандай самими-ят билан сұхбатлашди. Паҳтазорларни айланиб, ўза ниҳолларининг калин-сийраклигини кузатиш чоғида сувчилар, механизаторлар билан ўзаро фикр алмашарди. Тўй-азаларда ҳамиша одамларга бош-қош эди. Деҳқонларга қайси пайкалга қандай ишлов беришни тушунтиришга ҳам вақт топарди.

Кунлардан бирида райондаги хўжаликлардан бирига вакил бўлиб борган эдик. Ўша даврда паҳтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган ажойиб инсон Маматқодир ака Қамбаровнинг гапи ҳозиргидек эсимда, хотирамдан ҳеч кўтарилимайди.

- Фозилжон ака ернинг, ўззанинг тилини билишда, ҳамма одамларнинг дилини англашда ҳам моҳир, - деган эди ўшанда сұхбатдошимиз. - Фозилжон ака жамоа хўжалигига раис бўлиб келган йиллари паҳта ҳосилдорлиги 17 центнерга аранг борарди. Мана, ҳозир қарабисизки, ҳосилдорлик 30 центнердан ошиб кетди. Ҳосилдорликнинг яхши ва ёмон бўлиши кўпроқ жамоа хўжалиги бошқаруви раисига ҳам боғлиқ. Бу заҳматкаш деҳқон, салоҳиятли раҳбарнинг одамлар томонидан самимий эътирофи эди. Ҳазрат Алишер Навоий:


Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от, - деган эди.

Фозилжон акадан ҳам бу фоний дунёда яхши от қолди.

## Абдусаттор ШЕРМАТОВ

Тумандаги М. Ризаев номли ширкат хўжалигига бўлганимисиз? Оразий қишлоғининг ажойиб одамлари билан сұхбат курганмисиз? Бу заминнинг шундай кишилари борки, фазилатларини тавсифлаб адo қила олмайсиз. «Хўп одамларимиз борда», - дейди қишлоқ оқсоқоли Абдусаттор ота Шерматов. «Хўп» сўзи аслида яхши дегани. Абдусаттор отанинг ўzlари ҳам кўп яхшилардан. Умрлари узоқ бўлсин.



Бегубор, соффил, камтар инсон бўлмиш бу отахоннинг кулфи дилини оча билиш керак, холос. Ўзидан сизни кўпдан бўён қийнаётган саволларга бебаҳо жавоблар оласиз. Ишингиз тескари келмаяптими, ким биландир келишолмай қолдингизми, марҳамат... Абдусаттор отадан ўтадиган маслаҳаттўйини топишингиз амри маҳол. У сизни очиб кутиб олади, ҳаёт тажрибасида йўл-йўриқлар бериб, меҳрибон дўст сифатида ҳожатингизни чиқаради.

Ёшлигида ҳалол меҳнатга ўрганган Абдусаттор уруш бошлангунча М. Ризаев номли жамоа хўжалигида кетмончи эди. Ёзага сув таради, пахаткорлик касбининг сирларини эгаллай борди. Йиллар ўтиб тажриба тўплади, миришкор деҳқонлар қаторида тилга олинадиган бўлди.

Аммо машъум уруш кетмонни милтиққа алмаштиришга мажбур этди. 1942-1945 йилларда қонли жангларда қатнашди, мардонавор жанг қилди. Уруш ва меҳнат фахрийси Абдусаттор ота қўша-қўша нишонлар соҳиби, унинг кўксини ордену бир қанча медаллар безаб турибди.

Урушдан қайтгач, Абдусаттор ота қисқа фурсат кутубхонага мудирлик қилгандан сўнг яна ўзини пахтачиликка урди. 1950 йилдан 1954 йилгacha жамоа хўжалигида ҳосилот, 1954 йилдан 1959 йилгacha хўжалик раиси ўринбосари, 1959 йилдан 1962 йилгacha яна ҳосилот, 1968-1982 йилларда Оразий қишлоқ кенгашининг раиси, 1982 йилдан 1983 йилгacha яна жамоа хўжалигида раис ўринбосари, 1983 йилдан 1990 йилгacha жамоа хўжалигида боғдорчилик бригадаси бошлиғи вазифасида сидқидилдан меҳнат қилди. Шуниси диққатга сазоворки, Абдусаттор ота қайси вазифада ишламасин, кишилар кўнглига йўл топа оладиган меҳрибон инсон сифатида обрў-эътибор топди. Шунинг учунми, одамлар уни «ўзимизнинг ота» дейишади, дарду ҳасратларини тортинмай тўкиб солишади.

- Уруш ва урушдан кейинги даврларда, - дейди Абдусаттор ота Шерматов, - шароитлар жуда қийин бўлган. Одамлар очяланғоч, қишлоқлар эса хароб эди. Онда-сонда бўладиган тўйлар эса номигагина ўтказиларди. Келинлар машинада эмас, арава билан олиб борилган. Карнай-сурнай чалиш қаёқда дейсиз?! Тўкин дастурхон ёзиб, базм ўтказишга-ку ҳеч кимнинг курби етмасди. Ҳозирги электр ўрнига жин чироқ, газ ўрнига



Олтинкүл тумани марказида "Хотира хиёбони"нинг очилиши



Уруш ва меҳнат фахрийлари "Хотира хиёбони"да



Уруш ва меңнат фахрийларини  
Олтинкүл тумани ҳокими  
Ғуломқодир Маматқодиров құтламоқда




Хотиралар оғушида



Фахрийлар боғда



Унтилмас лаңзалар



Байрам дастурхони атрофида

үтин ёқиларди. Аллоҳга шукурлар бўлсинки, замонамиз ёмон эмас, тез орада ҳаётимиз бундан-да яхши бўлиб кетади.

Меҳнат кишиси ҳамма жойда ардоқланишини Абдусаттор ота амалда исботлади. У она ерни сўйди, элга суюнди, ҳалол пешона тери эвазига одамлар ҳурматини қозонди. Мана, бир неча йилдирки, кексалик гаштини сурмоқда.

Қишлоқнинг обод бўлишида, жамоа хўжалиги турмуш дара-жасининг яхшиланишида бу кишининг хизматлари катта. Бундан ташқари, маҳалла-кўйдаги тўй-маъракаларга доимо бош-қош. Қалб қўрини, меҳрини, борки қувватини элга бахшида этмоқда. Бундай саҳоватли кишиларга ҳавас қилса арзигуликдир.

## Мирзаабдулла АСРОНОВ

Россиянинг Архангелск вилоятидаги Плецеск тумани газетасининг 1987 йил 10 октябрда чиқкан сонидаги «Бугун ҳам сафда» номли мақолада Кутузов ордени нишондори, 32-миномёт бригадасининг иккинчи жаҳон урушида босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллифлар қуролдош дўстлари қаторида Мирзаабдулла Асроновни ҳам тилга олади. Иккита сурат ҳам бор. Бирида соchlари тим қора, норғул йигит диққатингизни тортади. Иккинчисидан тенгдошлари сингари соchlари оқарган, оппоқ мўйловли, нуроний чеҳрасига ярашиб турган, кўксини орден ва медаллар безаган Мирзаабдулла отани ажратиб олиш мумкин.

Иккала суратнинг орасида узоқ йиллик масофа бор. Не-не қувончу армонлар бор. Тинч турмуш даврида, собиқ қуролдошлар даврасида суратга тушиш кимларгайдир насиб этмади. Вақт-ҳаким дейдилар. Йиллар ўтиб кўп нарсалар унутилар. Лекин машъум уруш берган жароҳатлар ҳали битгани йўқ...

...Немис босқинчилари собиқ СССРга уруш очганда, Мирзаабдулла эндиғина 18 ёшга тўлганди. Айни куч-қувватга кирган йигит ҳам тенгқурлари билан бирга жангга отланди. Ички бир ишонч билан йўлга чиқди. Кўпчилик уруш тез орада якун топади, деб умид қиларди. Лекин бу беш йилга чўзилиши, миллион-

лаб одамларнинг бошига оғир мусибатлар, айрилиқлар тушиши кўпчиликнинг хаёлига келмас эди.

Ўш шаҳрида ҳарбий тайёргарликдан ўтган аскар қаторида Мирзаабдулла ҳам Кўқондаги миномётчилар тайёрлаш мактабида ўқиди. Кейин Белоруссиянинг Гомель шаҳрида 282-миномёт полкига келиб кўшилди. Кичик сержант бўлгани учун бўлинма командирлигига тайинлашди.

Ёшларда файрат жўшқин бўлади. Мирзаабдулла ҳам шижоат билан жангга кираради. Жасурлиги, топқирлиги учун уни куролдошлари беҳад қадрлашарди. У жанггоҳда тобланди. Полк жангчилари Гомель, Ковель шаҳарларини душмандан то-заладилар. Мирзаабдулла қақшатқич жангларда жасорат кўрсатди.

Навбат Польшага келди. Люблин остонасида душманга катта зарба берилди. Висла дарёси кечиб ўтилди. Мангушевск плацдарми қирқ бешинчи йилнинг январигача мардонавор ушлаб турилди. 11 апрелда Одер дарёсидан ўтишда кўп курбонлар берилди. Фалаба арафасида дўстлардан айрилишнинг надомати оғир экан.

Жасур жангчи Мирзаабдулла Берлинни забт этишда ҳам иштирок этди. 22 апрелда шаҳарга зарбани бергач, 301-ўқчи дивизия 27 куни Берлинга ёриб кирди. Кўшинлар орасида Мирзаабдулла хизмат қилаётган 282-миномёт полки ҳам бор эди.

Мана, ўшандан бери орадан 60 йилга яқин вақт ўtdи. Ҳозир Мирзаабдулла ота Асронов 84 ёшда. Оқтепада истиқомат қилипти. Омон қолган дўстлари билан хат ёзишиб туради. Москвада учрашганларига ҳам кўп бўлгани йўқ. Ўшанда ҳалок бўлган қуролдошларини, суронли уруш йилларини хотирлашди. Кейин эсадалик учун суратга тушдилар.

Суратлар ... Узок йиллик айрилиқдан сўнг учрашганларнинг кўзларидан оққан севинч ёшлари қуриб битмагандай. Юзларидан табассум қолган кекса жангчиларнинг - йиллар тўзони эмас, уруш жароҳати кексайтирган кишиларнинг нуроний чеҳраларига боқиб, кўнгилларидан шу тобда кечган ўйларни илғагандай бўласиз. «Урушнинг даҳшатини, халқимиз бошига солган мусибатларини биз кўрдик. Тинч осойишта ҳаётимиизга путур етмасин. Ҳеч қачон уруш бўлмасин!!!» - Бу Мирзаабдулла отанинг типиу дилида доимо янграб турадиган эзгу тилакдир.

## Отажон ТҮЙЧИЕВ

Отажон ака учбурчак мұхр босилған конвертни очди-ю, ичи-даги хатни ўқиб, түлкінләніб кетди. Мактуб кенжә ўғли Нуридин хизмат қилаётган қысм командирлигидан келған зди. «Хұрматли Отажон Түйчиев ҳамда Лобархон Түйчиева! Ўғлингиз ҳарбий бурчини вијдонан бажаряпти... Яқында у қисмда ўтказилаёттан мусобақада ғолиб деб топилди. Ватанга содиқ ҳақиқиү ҳимоячи фарзанд тарбиялаб ўстирганингиз билан фахрлансанғиз арзиди. Ана шу фахр түйгүси билан, тинч, баракали меңнат қилишларингизни тилаймиз. Сизларга миннэтдорчилик билан қысм командири сиёсий ишлар бўйича ўринбосари...»

Отажон ака ўғлининг арслондай қадди-қомати, ўқтам қиёфасини кўз олдига келтирди-ю, кўнгли ғууррга тўлди. У армия хизматининг нима эканлигини, юрт соғинчи-ю, Ватан түйгүсининг қадр-құмматини яхши билади. Урушга кўнгилли бўлиб отланганида, худди шу ўғлининг ёшида зди. Артиллериячилар мактабида таълим олгач, новоткачи сифатида жангга кирди. Смоленск шаҳрини мудофаа қилишда олиб борилган жанглар сержант Отажон Түйчиев учун чинакам жанговар мактаб бўлди. Полковник Михаил Осадчий командирлигидаги 194-үкчи дивизия жангчилари қаторида у душманнинг ўқ очиш нуқталарини бехато нишонга оловчи, сезгир ва дадил аскарлигини кўрсатди. Кейин Москва остонасидаги жанглар...

Отажон ака уруш йилларини хотирлаганда, «Курск ёйи»даги оловли лаҳзаларни яхши эслайди: Пастак билиндажды, хира чироқ шуъласи батарея командири капитан Иван Серебряковнинг юзини ёритиб турибди. Хонаки стол вазифасини ўтовчи тахта устида тонгда бошланадиган ҳужум йўналишларини ифодаловчи харита... «Жангга киришни истаймиз», Отажон түйчиев ва унинг сафдошларини шу лаҳзада ана шу мақсад бирлаштирган зди.

Курск ёнида бўлган жанглар 1943 йилнинг бешинчи июлидан 12 июлигача давом этган. Собиқ Совет қўмондонлиги душманнинг танк дивизиялари ва корпуслари ёрдамида тўғридан зарба бериб, Курскка ёриб ўтиш ниятидан хабар топди. Шунинг

учун ҳам биринчи навбатда танкка қарши мудофаага зүр берилганды, асосий юк артиллериячилар зиммасига тушган эди. Шу жаңглардан сүнг Москвада бириңчи Галаба салюти берилди. Москва останасида уруш бошланғандан бери илк нурафшон ёғдулар порлади.

Гомель шаҳрини озод қилиш чөғидә расчёт командири Василий Тухта ҳалок бўлди – командирликни у қўлига опди. Польша тупроғидаги жаңгларда эса қаттиқ яраланди. Дала госпиталида кўзини очган сержант дўстларнинг ташвишли, лекин мағрур юзларини, ёнгинасида портлаган мина даҳшатини зўрга эслади.

Отажон Тўйчиев бир оёғини жанггоҳга ташлаб, қишлоққа қайтди. Унинг кўксидаги орден ва бир неча медаллар бор эди.

«Намуна» жамоа хўжалигидаги уруш ва меҳнат фахрийси Отажон Тўйчиев хонадонини ҳамма билади ва ҳурмат қиласиди. Бунинг боиси – уруш кўрган инсоннинг тинчлик ва Ватанга ҳалол меҳнат туйғуларини эъзозлаб, уларни фарзандлари қалбида ҳам камол топтирганлигидир.

## Давлатбой ДЕҲҚОНОВ

«Шуҳрат» ордени нишондори, мирободлик Давлатбой ота Дехқоновнинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, маънавий дунёси бой эканлиги, камтар, олижаноб пиру бадавлатлигига саҳий қалб инсонлигига гувоҳ бўламиз. Энг муҳими, унинг инсон қадр-қимматини эъзозлашга, бугунги кунга шукроналар айтиб, келажакка яхши умид боғлашга одатлангани, юртимизнинг равнақ топишига ишонишидир.

Давлатбой иш фаолиятини колхозчиликдан бошлаб, эндинга дехқончилик сирларини ўрганаётган кезлари эди. Кутипмаганда у ҳам 1942 йил сентябрда урушга чақирилди. Ўшанда у 18 ёшга кирган йигит эди. Дастреб Пенза шаҳрида жанговар тайёргарликдан ўтди. Бу ерда Давлатбой қуроллардан фойдаланишни, душман танкига қарши курашнинг турли усулларини ўрганди.

- Шундан кейин мен 60-армиянинг ўқчи қисмида юк - автоматчи бўлиб жангта кирдим, - дея ўша оловли йилларни эслай-

ди собиқ жангчи. – Курск ёнидаги шиддатли жангларда қатнашдим....

Кўп ўтмай Давлатбой Дехқонов ҳақиқий артиллериячи бўлиб, танкка қарши отувчи 45 миллиметрли тўп расчётида на-вбатчилик қила бошлади. Взвод командири, катта лейтенант Тихоновнинг топшириқларини моҳирлик билан бажарди.

Давлатбой аканинг ҳикоя қилишича, у Харьков ва Киев шаҳарларини, ўнлаб қишлоқ ва посёлкаларни душмандан озод қилишда қатнашган. Қуролдош дўсти – туркман йигити Маҳмуд Маметов билан фашистларга қарши бир қанча вақт биргаликда жанг қилган. Уруш давомида у тўрт марта ярадор бўлган. Жангларда матонат кўрсатди.

Аммо душманни Берлинга қадар қувиб бориш Давлатбой Дехқоновга насиб этмади. Ўз қисми билан Одер дарёсидан ўтгандан кейин тенгсиз жангларнинг бирида оғир ярадор бўлиб, госпиталга ётқизилди.

Давлатбой ака Дехқоновнинг жанг майдонларидағи жасорати изсиз қолмайди. Ўз вақтида у мукофотга тавсия қилинганди. Лекин мукофотлардан бири қолиб кетганди. Мана, орадан кўп вақт ўтгандан кейин орден ўз эгасини топди. Үнга тантанали вазиятда З-даражали «Шуҳрат» ордени топширилди. Бу дақиқалар Давлатбой акани қаттиқ ҳаяжонга солди. Энди унинг кўксини З-даражали «Шуҳрат» ордени ва бир неча медаллар безади.

## **Мадаминжон ЭГАМБЕРДИЕВ**

Мадаминжон Эгамбердиев 1912 йилда Олтинкўл туманидағи Сарой қишлоғида туғилган. У меҳнат фаолиятини 1931 йилда ҳозирги «Намуна» ширкат хўжалигига оддий колхозчиликдан бошлаган.

1932-1934 йиллари шу хўжаликда бригада бошлиғи, 1934-1939 йиллари Сарой қишлоқ кенгашида раис, 1939-1940 йиллари эса Олтинкўл туман ёшлар қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1940-1941 йиллари Олтинкўл туманида қўмита йўриқчиси, сўнгра учинчи котиби бўлиб 1944 йилга қадар фаолият кўрсатди.

1944-1947 йиллари Фарҳод ГЭСИ қурилишида Андижон вилояти вакиллари штабининг бошлиғи, 1947-1948 ва 1957-1959 йиллари Олтинкўл туман ижроқўмининг раиси бўлиб ишлаган.

1953-1957 йиллари Қўрғонтепа тумани биринчи раҳбари бўлиб ишлаган. 1959-1973 йиллари жамоа хўжалигининг раиси бўлиб меҳнат қилди.

1973-1976 йиллари Олтинкўл қишлоқ кенгашининг раиси бўлди.

1976 йилдан 1980 йилга қадар канал бошқармасининг бошлиғи бўлди. Мадаминжон aka узоқ йиллар мобайнида уруш ва меҳнат фаҳрийлари туман кенгashi раиси сифатида ҳам фаол жамоа ишларини олиб борди.

Рахматли Мадаминжон Эгамбердиевнинг меҳнатлари муносаб тақдирланган. Меҳнат «жангига»даги хизматлари учун 1945, 1950, 1957, 1966 йиллари орденлари билан, бир қанча медаль, республика хукуматининг Фаҳрий ёрликлари билан тақдирланган. Мадаминжон aka пахтачиликдаги ютуқлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига сазовор бўлган эди.

## Абдуқодир ИСАБОЕВ

Абдуқодир Исабоев 1923 йилда Жалабек қишлоғида туғилган. Отаси дәҳқон эди. Шу боис ўғли ҳам далада вояга етди. Меҳнат фаолиятини эрта бошлади. 13 ёшидан «Коминтерн» хўжалигидаги фермада ҳисобчилик қилди. Абдуқодир 1941 йилгача дәҳқончилик соҳасида ишлади.

1944 йилда Абдуқодир Исабоев яна ҳисобчиликка ўтди. Бу соҳадаги фаолияти 1950 йилга қадар давом этди. 1950 йилда анчагина кўзи пишган, бардоши синалган Абдуқодир хўжалик фермасига мудирикка тайинланди. Чорвачиликни юксалтириш борасидаги ҳаракати тез орада кўзга ташланиб, тармоқ равнақ топди. Уч йил сидқидилдан ишлаб, фермадаги ишларни ривожлантирган Абдуқодир Исабоев 1959 йил хўжаликни энг илғор жамоалар қаторига олиб чиқишга зеришди. 1959 йилдан 1961 йилгача эса бошқа колхозга ўтиб, бу хўжаликни ҳам юксалтириди.

Тадбиркор, ташкилотчи одам ҳамма жойда ҳам зарур. 1961 йилда Абдуқодир Исабоевни бошқа оқсаганроқ хўжаликка раис этиб сайладилар. Хўжаликда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Икки йилда қувончли натижаларга эришилди. Шундан сўнг мохир дехқон, ўз касбининг устаси бўлмиш Абдуқодир яна янги хўжаликка раис бўлди.

1963 йилдан 1982 йилгача Абдуқодир Исабоев раҳбарлигидаги ишлаган хўжалик аъзоларининг турмуш шароити яхшиланди, меҳнатларининг самараси ортди. 1982 йилдан кейин эса хўжаликнинг боғдорчилик бригадасига беш йил бошчиллик қилган Абдуқодир Исабоев 1987 йилдан пенсияга чиқиб, кексалик гаштини сурмоқда.

## Сайфутдин АШУРОВ

Сайфутдин Ашурров 1900 йилда Андижон вилояти, Олтинкўл тумани Жалабек қишлоғида дехқон оиласида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1926 йили ширкат хўжалигига раислиқдан бошлиди. 1930-1936 йиллари «Қўриқ очар», 1936-1963 йиллари эса собиқ Калинин номли жамоа хўжалигининг раиси бўлиб ишлаган. Сайфутдин Ашурров ўзи ташкил этган бу жамоа хўжалигига 27 йил бошчиллик қилган. Унинг ишлари, тажрибалари бутун республикага тарқалган. Айниқса, уруш йиллари фронт орти «жанг»ларида алоҳида намуна кўрсатиб меҳнат қилди. Республикаизда пахтачиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган. Сидқидилдан қилган хизматлари учун Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. «Хурмат белгиси» орденлари билан мукофотланган, бир қанча медаллар соҳиби бўлган.

1963-1983 йиллари шахсий пенсионер бўлган.

Ҳозирда унинг ўзи ишлаган хўжаликка Сайфутдин Ашурров номи берилган.

Мазкур хўжалик аҳли мохир пахтакор, тадбиркор раҳбар номини шарафлаб, унинг эзгу ишларини давом эттириб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида самарали ишларни қилмоқда.

## **Комилжон СОЛИЕВ**

Комилжон Солиев 1924 йили Олтинкўл туманида туғилган. Мехнат фаолиятини 1940 йил туманимиздаги жамоа хўжалигида бригада ҳисобчиси, сўнгра хўжалик котиби вазифаларида ишлаш билан бошлади.

1942-1945 йилларда II Жаҳон урушида иштирок этди. Унда кўрсатган қаҳрамонликлари учун «Жасорати учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари ҳамда разведкачи сифатидаги мардлиги учун эса генерал-майор Кузнецовнинг шахсий тўппончаси билан тақдирланди.

Урушдан сўнг Офтобачек қишлоқ кенгашида котиб, сўнгроқ раис бўлиб ишлади. 1952-1955 йиллари собиқ «Коммуна» жамоа хўжалигида раислик қилди.

1955-1960 йиллари Сарой қишлоқ кенгашида раис вазифаларида меҳнат қилди. Сўнгра 2 йил жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари бўлди.

1962 йилдан 1966 йилгacha туман ижроқўмининг бўлимларида ишлади. 1966 йилдан умрининг охиригача туман ижтимоий таъминот бўлимининг мудири бўлиб фаолият кўрсатган.

У бир неча бор Ўзбекистон ҳукуматининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган эди.

## **Майрамхон Йўлдошева**

Уста пахтакор, донгдор инсон Майрамхон Йўлдошева 1922 йилда Олтинкўл туманининг Кўштепа қишлоғига туғилган. Мехнат фаолиятини 1937 йилда жамоа хўжалигида оддий колхозчиликдан бошлаган. 1943 йилда З ойлик бухгалтерлар тайёрлаш курсида ўқиган. 1943-1945 йиллар давомида собық «Коммуна» жамоа хўжалигида ҳисобчи, 1946-1949 йилларда шу хўжаликда звено бошлиғи бўлиб ишлади.

Хўжалик раисларининг 6 ойлик курсида ўқигандан кейин 1950-1951 йилларда собық «Коммуна» жамоа хўжалигида, 1976 йилдан эса собық «Тельман» номли жамоа хўжалигида раис бўлиб фаолият кўрсатди.

1976 йилда нафақага чиққан. Шунга қарамай 1977 йилдан бошлаб то 1986 йилгача Сувюлдуз қишлоқ кенгашининг раиси сифатида самарали меҳнат қилган. 1986 йилдан кейин кексалик гаштини сурди. 1994 йилда вафот этган.

Майрамхон Йўлдошеванинг меҳнатлари муносиб баҳоланганд. У Меҳнат Қаҳрамони эди. Бир неча орденлар ва медаллар билан тақдирланган ҳамда ҳукуматимизнинг олий органларига депутат бўлиб сайланган эди.

## **Абдумажид АБДУЛЛАЕВ**

Абдумажид ака билан далварзинликлар беҳад фахрланишади. У уруш ва меҳнат фахрийси, иқтисодчи олим. Камтар, камсукум инсон. Атрофдаги кишиларга бағоят меҳрибон. Катта ҳаёт тажрибасига эга эди.

...1941 йилда уруш бошлангач, бутун ресубликамиздан, хусусан, туманимиздан ҳам кўлга қурол олишга ярайдиган кишиларнинг барчаси фронтга отландилар. Уларнинг орасида ёш Абдумажид ҳам бор эди. Чаласаводликни битириш курсида муаллим бўлиб ишлаётган бу ғайратли йигит ҳамма ишларни ийғиштириб, жангга кетаётганлар сафига кирди.

Жангда душманнинг ўқи ҳеч кимни аямасди. Дуч келган одамнинг тақдирини ҳал қиласди-қўяди. Абдумажид қуролдошлари сингари матонат билан жанг қилди. Бахти кулган, Абдумажид қирғинбарот бу урушдан соғ-омон қайтди. Жасурлиги туфайли сафдошлари ўртасида хурмат қозонди. Унинг ҳар бир жангда шаҳд билан олишаётганлиги командирларнинг ҳам назаридан четда қолмади. Матонати учун Абдумажид Абдуллаев бир неча орден ва медаллар билан мукофотланди. 1945 йилда ғалабага эришилгандан кейин тажрибали жангчи жонажон қишлоғига қайтиб келди...

Абдумажид ака жангларда тобланди, уруш уни чиниқтирди. Тинч турмушни тиклаш йилларидағи қийинчиликларга қарамай, билим олишга астойдил киришди. Қолган умрини илмга баҳшида этди. Муаллимлар олийгоҳида ўқигач, иқтисод фанига меҳри тушган Абдумажид ака илмий изланишларни бошлаб юборди. 1962 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади.

Кейинчалик иқтисод фанлари доктори даражасига күтарилиди.

Собиқ жангчи турли соҳаларда самарали мөхнат қилди. Билимини ҳёттий тажриба билан мустаҳкамлади. Кўрсатган хизматлари туфайли «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчичи» увоннига сазовор бўлди. Фарзандларни ҳам илмли қилиб тарбиялаган Абдумажид ака Абдуллаев самарали ўтган умрига шукроналар айтарди.

## Мамасоли САДИРОВ

Мамасоли Садиров 1941 йил 22 июнь тонг гира-ширасида немис-фашистлар хиёнаткорона бостириб кирганида, Каменецк-Подольск шаҳрида армия хизматини тутагаётган эди.

Мамасоли хизмат қилаётган қисм кўшинлари «БТ-7» тезюар танклари билан йўлга чиқиб, Львов шаҳри яқинида немис-фашистлари йўлини тўсади. Лекин кучлар тенг эмаслиги туфайли кўп талофат берди. Мамасоли аканинг танки ёниб, ўқчиси ҳалок бўлди. У бир шериги билан аранг омон қолди.

Кейинчалик «Т-26» танкида хизмат қилиб, Контемировка атрофида ярадор бўлди. Челябинск шаҳри госпиталида даволанаётган пайтида Уралда танк корпуси барпо этилаётганлиги маълум қилинди. Мамасоли Садиров шу танк корпусида хизмат қилишга биринчилар қаторида ёзилди.

Унинг жангларда кўрсатган жасоратларига кўксидаги жанговар орден ва медаллар гувоҳлик бериб турибди.

Мамасоли Садиров уруш йилларида фашист босқинчилардан кўплаб шаҳарларни озод қилишда қатнашди. Урушни ғолибона якунлаб, ўз юргига қайтиб келди. Вилоятда ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали мөхнат қилди. Ҳозир қариллик гаштини сурмоқда.

Ғалабанинг 60 йиллиги байрамини ширин орзулар билан кутуб олмоқда.

Душман бўлди ер билан ясон,  
Ёвуз кирди ернинг қаърига.  
Дунё айтар олқиш, шараф-шон,  
Жангнинг ғолиб ўғлонларига.

## **Машрабжон ҲАСАНОВ**

Мабрабжоннинг болалиги қийин кечган бўлса-да, машиқатларда иродаси синалди.

Мехнат фаолиятини 16 ёшида бошлаган Машрабжон аввал ҳозирги «Тошкент» жамоа хўжалигида котиб бўлиб ишлади. 1937 йили ҳарбий хизматга чақирилди. Хизматни яхши ўтаб келгандан сўнг икки йил мобайнида туманда қишлоқ хўжалиги бўлимини бошқарди.

Даҳшатли уруш бошланганда у 25 ёшда эди. Урушга кетмоқчи бўлди-ю, лекин юборишмади. Чунки бу ерда – хўжаликда ҳам малакали мутахассислар жуда зарур эди.

Бундан у асло ўқинмади. Кучи борича заҳмат чекиб меҳнат қилди. Ниҳоят 1942 йилда Машрабжонга навбат келди. Кўнгилли аскар учун чинакам синовлар бошланди.

Ленинободда тайёргарликдан ўтиб лейтенант унвонини олган Машрабжон Ҳасанов 4-Зарбдор армия таркибида Калинин фронтида илк марта жангга кирди. Клинъ Гордашин, Смоленск шаҳарлари учун бўлган қақшатқич жангларда қатнашди. Смоленски душмандан тозалашдаги жасурлиги туфайли «Қизил Юлдуз» орденига сазовор бўлди. Калинин шаҳри учун бўлган жанглардаги матонати эса «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланган эди.

## **Абдумалик ЖАКБАРОВ**

Абдумалик Жакбаров 1918 йилда Олтинкўл туманидаги Сув юлдуз қишлоғида туғилган. У 1936 йилдан 1940 йилгача тумандаги ҳозирги «Туркистон» ширкат хўжалигида табелчилик ва-зифасида ишлаган. 1940 йилдан 1978 йилгача бригада бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатиб, ибратли ишлар қилган.

Сув юлдузликлар Абдумалик Жакбаровни пахта илмининг устаси, деҳқончиликнинг пири дейишади. Ҳақиқатан ҳам, Абдумалик Жакбаров пахтачилик илмини шу қадар билганки, пайкалга кирмасданоқ шу майдонда қанча кўчат борлиги, қанча тонна ҳосил беришини айтиб бера оларди. Унинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги туфайли бўлса керак, у бошқараётган бри-

года йилдан-йилга ҳар томонлама юксалиб, хўжаликда, туманда ҳатто вилоятда ном таратган илфор бригадалар қаторига кўшилди.

Тадбиркорлик билан ишнинг кўзини билиб иш юритадиган Абдумалик Жакбаров бошлиқ бригада далаларига Ҳизр назар қилганга ўхшарди. Оллоҳ нурини тўқди. Кекса бободеҳқонлар илгари бу ерларда бунақа юксак ҳосил бўлмаганинги эътироф этишиди. Ҳа, бригада ва бригада аъзоларининг ташаббускорлик билан қилган меҳнатлари самараси рўёбга чиқди. Пахтачиликдан мисли кўрилмаган ҳосил ва катта даромад олинарди. 1957 йили 92 гектар пахта майдонининг ҳар бир гектаридан 40,2 центнердан ҳосил олинди. Бригада аъзолари, бригада бошлиғи пахтачилик соҳасида кўлга киритган ютуқлари билан кўпчиликнинг эъзозига мушарраф бўлдилар.

- Пахтани «сиз» деб, ўзини «сен» дейдиган тадбиркор инсон Абдумалик Жакбаров олиб борган намунали ишлари, фидокорона қилган меҳнатлари эвазига муносиб тақдирланган. У 1957 йилда Мехнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Қатор орден ва медаллар билан мукофотланган.

Раҳматлиқ Абдумалик Жакбаровнинг вафот этганига анча бўлди. Лекин унинг эзгу ишлари оила аъзоларини ва ҳамқишлоқларининг ёдларидан кўтарилган эмас.

## Рўзихон ЭГАМОВА

Охунбобоев қишлоғидаги Навоий номли ширкат хўжалигининг Қайирма маҳалласида туғилган. Рўзихон Эгамованинг турмуш ўртоғи Акбарали Тўрақулов иккинчи жаҳон уруши бошланганда кўплар қаторида фронтга отланди. Ана шунда Рўзиохун 19 ёшда бўлган.

Оипада бир фарзандлари бор эди. Акбарали ширин-шакар ўғлини бағрига босиб, кўзлари жиққа ёшта тўлиб турган турмуш ўртоғининг кўнглини кўтариб хайрлашиди.

- Дастлабки пайтларда тез-тез хат келиб турди, - деб ҳикоя қиласи Рўзихон Эгамова. - 1943 йилнинг январь ойида турмуш ўртоғимдан охирги мактуб олганмиз. Шундан кейин ўғлимнинг

дадажонисидан хат келмай қолди. Изтиробли кунлар қийинчилек билан ўтарди.

1943 йилнинг сентябрь ойида эса жангчи хонадонига ниҳоятда совуқ хабар келди. Қора хатда Акбаралининг 1943 йилда Украина фронтида ҳалок бўлганилиги ҳақида ёзилган эди. Мана шу пайтда ҳали бир ёшга тўлмаган ўғли билан бева қолган аёлнинг аҳволини тасаввур қилиб кўринг-а. Бироқ Рўзихон Эгамова мутлақо тушкунликка тушмади. Фидокорона меҳнат қилиб фронт орқасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Ёридан ёдгорлик бўлиб қолган ўғлини вояга етказиб тарбиялади, уйлади, жойлади.

Рўзихон Эгамова, айниқса, уруш йилларида жонбозлик кўрсатиб ишлади. У 1942 йилдан 1968 йилгача хўжаликда колхозчи, 1968 йилдан 1977 йилгача бригада бошлифи, 1977 йилдан 1978 йилгача пиллачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлади. 1978 йилда пенсияга чиқди.

Рўзихон Эгамова кўп йиллик ҳалол меҳнатлари учун муносаб тақдирланди. У қатор орден ва медаллар билан мукофотланди. Ҳозирги кунда у қарилик гаштини сурмоқда.

## Моҳидахон ДАДАБОЕВА

Маслаҳат қишлоғида туғилиб вояга етган Тўрахўжа Дадабоев ҳам иккинчи жаҳон урушида жангга отланди. Қисқа тайёргарликдан сўнг у хизмат қилган 171-ўқчи дивизиянинг 380-ўқчи полки жанглари Ленинградни душмандан ҳимоя қилишда ҳаётмамот кунларини бошидан кечирдилар. Ўшандада қаҳратон қиш бошланган эди. Фашистлар шаҳарни згаллаш учун жон-жакди билан ҳаракат қилдилар. Шаҳар камал ҳолатига тушди. Қамалдаги қисмларга озиқ-овқат авиация орқали етказиб берилилар эди. Қамални ёриб ўтиш юзасидан ишлаб чиқилган операция асосида душманнинг нияти фронтнинг орқа томонидан берилган кучли зарба туфайли пучга чиқди. 1943 йилнинг 18 январида 900 кун давом этган қамал ёриб ўтилди. Бу жангларда оддий солдат Тўрахўжа Дадабоев ҳам жасорат кўрсатди.

1943 йилнинг июнида эса жангчи уйига совуқ хабар келди. Қора хатда ўзбек йигити Тўрахўжа Дадабоев Ленинград

шахрини душмандан ҳимоя қилиш учун олиб борилган жангларда мардлик намуналарини күрсатганинги, қамални ёриб чиқишда оғир яраланиб, вафот этгани маълум қилинган эди. Мана шу пайтда икки ёш гўдаги билан қолган аёлнинг аҳволини кўринг. Лекин у тушкунликка тушмади. Астойдил меҳнат қилиб, фронт орқасини мустаҳкамлашга хисса қўшди. Турмуш ўртоғидан ёдгорлик бўлиб қолган ўғилларини вояга етказди.

Моҳидахоннинг қалбида турмуш ўртоғининг ёрқин хотираси қолди.

Онахон 1960 йилда пенсияга қузатилди. Икки ўғли вояга етиб, уйли-жойли бўлди.

Фозилжон Кўчқаров номли ширкат хўжалигининг Маданий Меҳнат қишлоғида мўъжазгина бир ҳовли бор. Хонадон тўрида Тўрахўжа Дадабоевнинг сурати эъзозлаб сақланяпти.

Жасур жангчи беваси Моҳидахон она бетимсол садоқат на-  
мунасини кўрсатди.

# ЁН ДАФТАРДАН

## (Ота-она ва болалар бурчи)

Оқил ота-онага, доно дўстларга суянганлар қоқилмайди.

\* \* \*

Боланинг яхшилиги - ота-онанинг яхшилигидан.

\* \* \*

Фарзанднинг дунёга келиши она учун бамисоли баҳордир.

\* \* \*

Аёллар, энг аввало, меҳрибон она, меҳнаткаш опа-сингил, ва-фодор ёр, ҳаёли ва садоқатли келинлар сифатида бебаҳодирлар.

\* \* \*

Ҳар қандай гўша ҳам оналарсиз қаровсиз қолган боққа ўхшайди.

\* \* \*

Аёл киши оналик баҳтидан яйраб қулган чоғида бутун оламни табассум оғушига олади.

\* \* \*

Ҳар қандай жозибали, оромбахш қўшиқ ҳам она алласи билан беллаша олмайди.

\* \* \*

Офтоб нури борлиқни, она меҳри қалбни иситади.

\* \* \*

Инсон қўшиғи онани шарафлашдан бошланган.

\* \* \*

Ота-она ўз жигарпорасига ҳамиша таҳтдан кўра баҳт тилайди.

\* \* \*

Онанинг кўрки бола, адирнинг кўрки лола.

\* \* \*

Қуёш ҳам меҳрни оналардан олган бўлса керак.

\* \* \*

Фарзанд ҳақида илиқ гап эшитса, ота-онанинг армони арийди.

\* \* \*

Ўғил-қизнинг ҳар бир яхши иши ота-она шаънига айтилган мадхиядир.

## МУАЛЛИФЛАРДАН

Ушбу рисолада Олтинкүл туманида яшаб, урушда ва меңнатда мардлик күрсатган юртдошларимиз тұғрисида фикр юритилди. Агар бу рисолада номлари қайд этилиб, қизиқиш үйғотса, табаррук инсонларнинг хотираларидан мамнун бўлсангиз нечоғлик баҳтиёр бўлур эдик.

Китобни архив ҳужжатлари ва кекса нуронийлар хотирала-рига суюниб ёздик. Бизга архив ҳужжатлари билан таништи-ришда Олтинкүл тумани давлат архивининг етакчи мутахассиси заҳматкаш, олижаноб инсон Мухторжон Қаҳдоров ёрдам берди.

Мазкур китоб бу соҳадаги илк уриниш бўлғанлиги учун баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Бунинг учун сиз азиз китобхонлардан узр сўраймиз ҳамда ўз таклиф ва му-лоҳазаларингизни билдирасизлар деган умиддамиз.

*Орзу қилгай барча инсон қарилек айёмини,  
Баҳтли бўлгай дўст билан ўтказса субҳи шомини.  
Одамзотга тинчлик, дўстликдан улуғ нарса йўк,  
Арзигай қилса фидо дўстларга Қаҳкор жонини.*

## МУНДАРИЖА

Сўз боши. Ғуломқодир Маматқодиров.....	3
Кириш .....	4
Йўлдошли Эргашев .....	7
Абдумажид Давронов .....	9
Ҳакимбой Уринов .....	11
Турсунхўжа Ҳожиев .....	13
Маматқодир Қамбаров .....	14
Фозилжон Қўчқаров .....	16
Абдусаттор Шерматов .....	17
Мирзаабдулла Асронов .....	19
Отажон Тўйчиев .....	21
Давлатбой Деҳқонов .....	22
Мадаминжон Эгамбердиев .....	23
Абдуқодир Исабоев .....	24
Сайфуддин Ашуроев .....	25
Комилjon Солиев .....	26
Майрамхон Йўлдашова .....	26
Абдумажид Абдуллаев .....	27
Мамасоли Садиров .....	28
Машрабжон Ҳасанов .....	29
Абдумалик Жакбаров .....	29
Рўзихон Этамова .....	30
Моҳидахон Дадабоева .....	31
Ён дафтардан .....	33
Муаллифлардан .....	34

*Қаҳҳор МАҲКАМОВ  
Арофатхон СОЛИЕВА*  
**«ОЛТИНКЎЛИМ»**  
(Мақолалар).

Муҳаррир: Пўлат АБДУЛЛА  
Мусаввир: Соҳибжон ОМОНОВ  
Мусахид: Мадина УСМОН  
Компьютерчи: Ҳамиджон ПАРПИЕВ

Босмахонага 2005 йил 11 апрелда берилди.  
Босишга 2005 йил 18 апрелда рұксат этилди.  
Бичими: 60x84. 1/16 Ҳажми: 2,5 б/т  
Буюртма № 726. Адади: 1100 нұсқа  
Баҳоси келишилған нархда.

«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ  
босмахонасида босилди.